

## ТАЪЗИЯ



12:20 / 27.09.2020 1542

«Hilol Nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси наманганлик забардаст олим, кўплаб уламоларимизнинг устози Довудхон домланинг вафотлари муносабати билан марҳумнинг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча яқинларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин.

«Сабрлиларга хушхабар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

**Иннаа лиллаахи ва иннаа илайхи рожиъуун!**

***Islom.uz* портали**